


Normal 0 false false false RU X-NONE X-NONE



Рамазон ойи – Куръон ойдир. Имом Молик (рахматуллохи алайхи) Рамазон ойи кирса? хадисни ва илм мажлисларини тўхтатиб, Мусхафдан Куръонни тиловат килишга киришар эканлар. Аллоху акбар! Имом Молик (рахматуллохи алайх) Рамазон ойида Куръон тиловатига киришганидан хатто илм музокараларида ҳам катнашмас эканлар.

Бизни бу ойида Куръон тиловатидан нима чалгитяпти?

Телевизор кўришми? (футбол, кино ёки бемаъни сериаллар)

Интернетда беҳуда ўтиришми?

Ошналаримиз билан хангома килишми?

Ортикча уйкуми?

Ёки шунга ўхшаш бошка ишларми?

Рамазонда имкон қадар мубох амалларни ҳам камайтириш лозим. Кўпроқ Куръон тиловатига киришмоқ керак. Куръон ўқиганда ҳам мухаббат билан, шошмасдан ўқишлик керак.

Аллох таоло Куръони Каримда шундай мархамат қилган:

«**Эй** (қийимларига) **ўралиб олган киши (Мухаммад!)** * **Тунда** (тунда бедор бўлиб, **туринг! Факат**
намозга)
озгина (ухлашга вақт қолсин!) *
(Яъни)
ярми
(қолсин)
ёки ярмидан ҳам биров камайтиринг! * **Ёхуд унга**
(бироз вақт)
қўшинг
(ярмидан қўпроғида ухланг)
ва Куръонни тартил билан
(дона-дона қилиб)
тиловат қилинг!»
(Муззаммил сураси, 1-4 оятлари)

Аллох таоло ушбу оятда аввал кечани қоим қилишга буюрмоқда. Сўнгра кечани қоим қилиш асносида тартил билан тиловат қилишга амр этмоқда.

Тартил билан ўқиш деб дадил, дона-дона, ҳар бир ҳарфнинг адосини бериб, ўз маҳражидан чиқариб ўқишга айтилади.

Бундай ўқиш Куръонни тушуниш ва тадаббур килишга ёрдам беради.

Пайгамбар (соллаллоху алайхи васаллам) дона-дона ўқир эдилар.

Агар Куръон тартил билан ўқилса, калб хозир бўлиб, оятнинг маънолари, унинг хакикатлари ҳамда ундан кўзланган асл максадлари тушунарли бўлади.

Куръон тадаббур билан ўқилса, Аллох таолонинг зикри келган оятларда калб У Зотнинг улуглигини хис қилади. Ваъда ва ваъиднинг зикри келган оятларда хавф ва ражони хосил қилади. Киссалар ва зарбулмасаллар зикр қилинган оятларда эса ибратланиш хосил бўлади. Буларнинг натижасида калб маърифат нури ила мунаввар бўлади.

Шошқалоклик билан, тартилга риоя қилмай тез ўқилганда бу нарсалар хосил бўлмайди.

Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) хар бир харфни аниқ-тиник, махражидан чиқариб ўқиганлар. Раҳмат ояларини ўқиганларида тўхтаб сўрардилар. Азоб оятларини ўқисалар, тўхтаб панох тилардилар.

Хузайфа (розияллоху анху)дан ривоят қилинади: «Мен бир кеча Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам) билан бирга намоз ўқидим. У Зот Бақара сурасини бошладилар. Мен юз оят ўқиб рукуъ қилсалар керак, деб ўйлагандим, ундан ўтиб кетдилар. Мен Бақара сурасининг ҳаммасини икки рақъатга бўлиб ўқисалар керак, деб ўйладим. У Зот (ярмидан ҳам) ўтиб кетгандилар, шунда мен «Бақара»нинг ҳаммасини бир рақъатга ўқисалар керак, деб ўйладим. У Зот Нисони ҳам бошладилар, уни ўқиб бўлиб, Оли Имронни ҳам бошладилар, уни ҳам ўқидилар. Соқинлик билан ўқирдилар. Тасбех оятларига келганда, тасбех айтар эдилар. Сўрайдиган оятларда сўрардилар, панох тилайдиган оятларда панох тилар эдилар. Сўнг рукуъ қилдилар ва «Субҳана роббиял ғазийм», дер эдилар. Рукуъси ҳам худди қиёми қаби узун бўлди. (яъни қиёми одатдаги қиёмдан узун бўлганидек рукуъси ҳам одатдаги рукуъдан узун бўлди.) Сўнг «Самиъаллоху лиман хамидах, Роббанаа лакал ҳамд», дедилар. Сўнг рукуъ (микдори)га яқин даражада узок қиём қилдилар. Сўнг сажда қилдилар ва «Субҳана роббиял аълаа», дедилар. Саждаси ҳам (узунликда) қиёмига яқин бўлди. Имом Муслим ривоят қилган.

Бу хадис кироат килувчининг кироати тадаббур ва хушуъ билан бўлиши суннат эканига ва у Куръон билан бирга яшаши, унга амал килиши лозимлигига далолат килади. Куръон ўқувчи мана шу нарсаларга харис бўлиши лозимдир.

* Абдуллох ибн Масъуд (розияллоху анху) айтади: «Куръонни худди шеър каби шошиб ўқиманглар. Сочилиб кетган хурмо каби сочиб ҳам юборманглар. Хайратга соладиган жойларида тўхтаб, калбингизларни харакатга келтириб, уйготинглар. Бирортангизнинг максади сурани охири бўлмасин. (Яъни малолланиб, суранинг тугадини кутиб, қачон тамом бўларкин, деб ўқиманглар.)

* Абу Жамрадан ривоят килинади: Мен Ибн Аббос (розияллоху анху)га: «Мен тез кироат киламан, Куръонни жуда тез ўқийман», дедим. Шунда Ибн Аббос (розияллоху анхумо): «Мен учун Бақара сурасини тартил билан ўқимогим Куръоннинг ҳаммасини тезлаб ўқимогимдан кўра яхшироқдир», деб жавоб берди. Байхакий ривояти

* Баъзи салафлар айтган эканлар: «Англамай, калбим унда бўлмай ўқилган бирорта оят учун савоб бор, деб ўйламайман».

* Усмон ибн Аффон (розияллоху анху) айтганлар: «Агар калбларингиз пок бўлганда эди, Роббингизнинг каломига тўймаган бўлар эдингиз».

* Куръондан малолланмайлик! Баъзи кишилар таровех намозида узок киём бўлишидан малолланиб, кориларни тезрок ўқишини, тезрок тугатишини хохлайдилар. Бу мутлако нотўғридир. Ахир, Рамазон ойида кечани коим қилган кишиларга гунохларнинг магфират бўлиши ваъда қилинган-ку! Бундай улуг даражага осонлик билан эришилмайди. Бунга эришиш учун сабр қилиб, Куръонга мухаббат билан қулок солишимиз, имкон қила олсак, оятларни тадаббур қилиб тинглашимиз лозим бўлади. Куръоннинг нозил бўлишидан мақсад унинг ҳақиқатини тушуниш ва маъноларига амал қилишдир. Куръони Карим тиловат қилинган пайтда жим туриб сукут саклашнинг вожиблиги ҳам шундандир.

Куръон ўқувчига бир ажр, эшитувчига эса икки ажр бор. Ўқувчи ўқиганига ажр олса, эшитувчи эшитганига ва жим турганига ажр олади. Ўқувчи биргина аъзоси, яъни тили

билан ўкиса, эшитувчи икки кулоги билан эштади. Ўқувчи ихтиёрий ўкиган пайтда ҳам эшитувчи мажбурий жим туриб фарз амалини бажариб тинглайди. Шунинг учун эшитишнинг савоби ўқишнинг савобидан-да кўпроқдир. Куръон эшитишдан малолланмайлик!

Кудратуллох Сидикметов